

# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

8 ЖИЛД, 4 СОН

ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 8, НОМЕР 4

JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

VOLUME 8, ISSUE 4



# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF SOCIAL STUDIES  
№4 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9556-2025-4>

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**  
**Сеитов Азамат Пулатович**  
доктор социологических наук  
(Doctor of sociology, DSc)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**  
**Сабирова Умида Фархадовна**  
доктор социологических наук  
(Doctor of sociology, DSc)

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD:

22.00.01-Социология назарияси, методологияси ва тарихи. Социологик тадқиқотлар усуллари.  
Теория, методология и история социологии. Методы социологических исследований.  
Theory, methodology and history of sociology. Methods of sociological research.

**Бекмурадов Мансур Бобомурадович**  
доктор социологических наук, профессор (Узбекистан)  
**Каланов Комил Куллахматович**  
кандидат социологических наук, профессор (Узбекистан)  
**Убайдуллаева Раиса Турсуновна**  
доктор социологических наук, доцент (Узбекистан)  
**Негматова Шахзода Шухратовна**  
доктор философских наук, профессор (Узбекистан)  
**Шайылдаева Асель Кокоевна**  
кандидат социологических наук (Кыргызстан)

**Исмаилов Алишер Агзамович**  
доктор экономических наук, (Узбекистан)  
**Щепилова Галина Германовна**  
доктор философских наук, профессор (Россия)  
**Рожанский Михаил Яковлевич**  
кандидат философских наук (Россия)  
**Маматов Нормурат**  
доктор философских наук, профессор (Узбекистан)  
**Бурнашев Рустам Ренатович**  
кандидат философских наук, профессор (Казахстан)

22.00.02-Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи  
Социальные структуры, социальные институты и образ жизни  
Social structures, social institutions and way of life

**Умаров Абсалом Адилевич**  
доктор социологических наук, профессор (Узбекистан)  
**Холбеков Абдугани Жуманазарович**  
доктор социологических наук, профессор (Узбекистан)  
**Шайхисламов Рафаэль Бадретдинович**  
доктор социологических наук, профессор (Россия)  
**Акулич Мария Михайловна**  
доктор социологических наук, профессор (Россия)

**Антонио Алонсо Марсос**  
доктор политических наук, профессор (Испания)  
**Фадеева Любовь Александровна**  
доктор социологических наук, профессор (Россия)  
**Виктор Агаджаньян**  
доктор философии по социологическим наукам,  
профессор (США)  
**Абдулазизов Абдулвохид Хабибуллович**  
кандидат социологических наук, доцент (Узбекистан)

22.00.03-Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси.  
Социология социального сознания и социального процесса.  
Sociology of social consciousness and social process

**Аликариев Нуритдин Сапаркариевич**  
доктор экономических наук, профессор (Узбекистан)  
**Матибаев Тасполат Балтабаевич**  
доктор социологических наук, профессор (Узбекистан)  
**Николов Стефан**  
доктор философии по социологическим наукам, (Болгария)

**Мирзахмедов Абдирашид Мамасидикович**  
доктор философских наук, профессор (Узбекистан)  
**Ли Ци**  
доктор исторических наук, профессор (Китай)  
**Сухомлинова Марина Валерьяновна**  
доктор социологических наук, профессор (Россия)

[www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz) решают задачи, предусмотренные Стратегией Узбекистана 2030, направленные на развитие науки за счет внедрения достижений научных исследований ученых и служащих их признанию в международном научном сообществе. Так, каждой статье, опубликованной в журнале, присваивается номер DOI (Crossref). Журналы включены в международные индексные базы данных. Входит в список журналов ВАК Узбекистана.

22.00.01-Социология назарияси, методологияси ва тарихи. Социологик тадқиқотлар усуллари.  
Теория, методология и история социологии. Методы социологических исследований.  
Theory, methodology and history of sociology. Methods of sociological research.

**Пармонов Фарход Ярашевич**

доктор социологических наук, доцент (Узбекистан)  
**Жусубалиев Абдикайым Рысбаевич**  
кандидат социологических наук, доцент (Кыргызстан)  
**Алимухамедова Нодира Ядгаровна**  
доктор философии по философским наукам (Узбекистан)

**Камалова Хатира Сабыровна**

кандидат социологических наук, доцент (Узбекистан)  
**Тагиева Гулсум Гафуровна**  
доктор философии по социологическим наукам (Узбекистан)  
**Ахмедова Феруза Медетовна**  
доктор философии по социологическим наукам (PhD)  
(Узбекистан)

22.00.02-Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи  
Социальные структуры, социальные институты и образ жизни  
Social structures, social institutions and way of life

**Аликариева Аълохон Нуриддиновна**

доктор социологических наук, доцент (Узбекистан)  
**Зайтов Элёр Холмаматович**  
доктор философии по социологическим наукам,  
доцент (Узбекистан)  
**Уразалиева Гулшода Бекпұлатовна**  
кандидат социологических наук, доцент (Узбекистан)

**Мирзахмедов Хуршид Абдирашидович**

доктор философии по социологическим наукам,  
доцент (Узбекистан)  
**Қаюмов Қахрамон Нозимжонович**  
доктор философии по социологическим наукам (Узбекистан)  
**Махкамов Қодиржон Одилжонович**  
доктор философии по социологическим наукам,  
доцент (Узбекистан)

22.00.03-Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси.  
Социология социального сознания и социального процесса.  
Sociology of social consciousness and social process

**Сеитова Зухраhon Пиржановна**

доктор социологических наук, доцент (Узбекистан)  
**Доспанова Дилара Уракбаевна**  
кандидат филологических наук, доцент (Узбекистан)  
**Рахимбаева Дилбархон Абдулхамитовна**  
кандидат философских наук, доцент (Узбекистан)

**Каримов Бобир Шаропович**

доктор социологических наук, доцент (Узбекистан)  
**Якубов Ильдар Харрасович**  
кандидат политических наук, доцент (Узбекистан)  
**Абдухалилов Абдулло Абдухамитович**  
доктор философии по социологическим наукам,  
доцент (Узбекистан)

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

# МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

<b>1. Рахимова Нигина</b> УЗБЕКИСТАН В ПОИСКАХ АНТИКОРРУПЦИОННОЙ УСТОЙЧИВОСТИ: ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО, МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ, ОБЩЕСТВЕННОЕ МНЕНИЕ.....	5
<b>2. Alikariyev Nuriddin</b> INSON KAPITALIGA INVESTITSIYALARNING SAMARADORLIGI.....	14
<b>3. Убайдуллаева Раиса</b> СОЦИОКУЛЬТУРНЫЕ ТИПЫ МЫШЛЕНИЯ.....	24
<b>4. Farfiyev Bakhramdjan, Makhmudova Munisakhon</b> THE PHENOMENON OF THE NATIONAL MENTALITY AND ITS RELIGIOUS ELEMENT..	31
<b>5. Сабирова Умида</b> СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ РАЗВИТИЯ ШКОЛЬНОГО, ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО И ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ.....	41
<b>6. O‘razaliev Gulshada</b> AYOLLARNING TA‘LIM OLISH JARAYONIDA GENDER YONDASHUVINING FALSAFIY VA IJTIMOYIY MOHIYATI.....	50
<b>7. Burxanov Xusniddin</b> MILLIY SAYTLAR TRANSFORMATSIYASIDA MILLIY PLATFORMALAR MASALASI....	56
<b>8. Заретдинова Несибели</b> СОЦИАЛЬНО-ДЕМОГРАФИЧЕСКОЕ НАСЛЕДИЕ МЫСЛИТЕЛЕЙ ВОСТОКА.....	64
<b>9. Akramov Xusan</b> HADISIY MEROS VA IJTIMOYIY ME‘YORLAR: NAZARIY HAMDA AMALIY TAHLIL.....	71
<b>10. Ibragimov Murodjon</b> JAMOATCHILIK BILAN ALOQA TEXNOLOGIYALARI (PR)NING VUJUDGA KELISHI VA RIVOJLANISHINING SOTSIOMADANIY JIHATLARI.....	81
<b>11. Raximbayeva Oftobxon</b> MEHNAT FAOLIYATIDA KASBIY VA IJTIMOYIY KOMPETENTLIKNING KORRELYATSIYASI.....	90
<b>12. Shaumarova Nigora</b> IJTIMOIY KONSOLIDATSIYA KONSEPSIYASI: NAZARIYALAR, MEKANIZMLAR VA AMALIYOT.....	97

# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

## ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

**Burxanov Xusniddin,**


Sotsiologiya fanlari doktori (DSc),

O‘zbekiston Milliy universiteti

“Sotsiologiya” kafedrasida mustaqil izlanuvchisi

e-mail: doktorantt@mail.ru

### MILLIY SAYTLAR TRANSFORMATSIYASIDA MILLIY PLATFORMALAR MASALASI

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.17792931>

#### ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada jamiyatni tarmoqlashtirish jarayonlari umumiy kuzatuv va nazorat amaliyotlarining tarqalishiga olib kelib, unda xususiy mulk egalari va davlat tashkilotlarining odatiy chegaralari qolmasligi o‘rganilgan. Shuningdek, insoniyat bir vaqtning o‘zida aql bovar qilmaydigan hajmdagi ma’lumotlarni yaratib, undan vaqt va masofadan qat’i nazar foydalanish imkoniyatiga va ulanish uchun yangi texnologik vositalarga ega ekanligi ko‘rsatib o‘tilgan. Umumiy miqdorlashtirish tendensiyasi kuchayishi ijtimoiy tengsizlikning yangi mexanizmlari tarqalishiga olib kelishi bo‘yicha fikrlar berilgan. Shu bilan birga, raqamli jamiyatda algoritmik tizimlar avtomatlashtirilib, optimallashtirish va faoliyat samaradorligini oshishi biroq, oldindan prognoz qilib bo‘lmazligi va ta’sirning doimo ijobiy bo‘lmaganligi sababli natija ko‘zlangandek bo‘lavermasligi yoritilgan. Bundan tashqari, platformalar raqamli jamiyatning muhim elementiga aylanayotganligi va ularning mavjudligi, faoliyati ilmiy asoslangan ma’lumotlar va algoritmlashtirish jarayonlari bilan belgilanishi hamda qadriyatlarining yangi tartiblari, nazorat va boshqaruvning yangi ijtimoiy mexanizmlari shakllanib, jamiyat, biznes va davlat manfaatlarini hisobga olish imkoniyatiga kengayishi ko‘rsatilgan. Shuningdek, yangi taraqqiyot bosqichida raqamlashtirish muntazam ravishda tarqalishi aniq ekanligi isbotlangan.

**Kalit so‘zlar:** Internet, axborot xavfsizligi, raqamli jamiyat, datifikatsiya, sun’iy intellekt, milliy saytlar, texnologiya, raqamli media, ijtimoiy ta’sir, ijtimoiy institut.

**Бурханов Хусниддин,**

доктор социологических наук (DSc),

независимый научный сотрудник

кафедры Социологии НУУз

e-mail: doktorantt@mail.ru

### РОЛЬ ПЛАТФОРМ В ТРАНСФОРМАЦИИ НАЦИОНАЛЬНЫХ САЙТОВ

#### АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается, как процессы сетевой интеграции общества привели к распространению всеобщих практик наблюдения и контроля, разрушая традиционные границы между владельцами частной собственности и государственными организациями. Также было показано, что человечество обладает способностью одновременно создавать

невероятный объем информации, получать к ней доступ независимо от времени и расстояния, а также имеет новые технологические средства связи. Было высказано предположение, что усиливающаяся тенденция всеобщей количественной оценки приведет к распространению новых механизмов социального неравенства. В то же время подчеркивается, что в цифровом обществе алгоритмические системы можно автоматизировать, оптимизировать и повысить эффективность работы, однако результаты могут оказаться не такими, как ожидалось, поскольку их невозможно предсказать заранее, а воздействие не всегда положительное. Кроме того, показано, что платформы становятся важным элементом цифрового общества, а их существование и деятельность определяются научно обоснованными данными и алгоритмическими процессами, формируются новые системы ценностей, новые социальные механизмы контроля и управления, расширяющие возможности учета интересов общества, бизнеса и государства. Также доказано, что на новом этапе развития цифровизация, безусловно, будет неуклонно распространяться.

**Ключевые слова:** Интернет, информационная безопасность, цифровое общество, датафикация, искусственный интеллект, национальные веб-сайты, технологии, цифровые медиа, социальное воздействие, социальный институт.

**Burkhanov Khusniddin,**  
Doctor of Sociology (DSc),  
Independent Researcher of the Department of Sociology,  
National University of Uzbekistan  
e-mail: doktorantt@mail.ru

## THE OWN ROLE OF PLATFORMS IN THE TRANSFORMATION OF NATIONAL SITES

### ABSTRACT

This article examines how the processes of networkization of society have led to the spread of general surveillance and control practices, in which the usual boundaries of private property owners and state organizations no longer exist. It is also shown that humanity has simultaneously created an incredible amount of information, has the ability to use it regardless of time and distance, and has new technological means of communication. The idea is given that the strengthening of the general trend of quantification will lead to the spread of new mechanisms of social inequality. At the same time, it is highlighted that algorithmic systems in the digital society are automated, optimized and increase the efficiency of their work, but the result may not be as expected due to the fact that they cannot be predicted in advance and the impact is not always positive. In addition, it is shown that platforms are becoming an important element of the digital society and that their existence and activity are determined by scientifically based data and algorithmization processes, and new orders of values, new social mechanisms of control and management are being formed, expanding the possibility of taking into account the interests of society, business and the state. It is also proven that digitization will definitely spread systematically at a new stage of development.

**Keywords:** Internet, information security, digital society, datafication, artificial intelligence, national sites, technology, digital media, social impact, social institution.

### КИРИШ

Интернет тизимида хавфсизликни таъминлаш ва миллий сегментлардан самарали фойдаланишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистонда 2025-йилга келиб, интернет тармоғидаги миллий сайтлар сони 140 мингтадан ошди.

Интернет ресурсларини контент таҳлили натижасида қуйидагилар аниқланди: Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий манфаатларига хавф солаётган ахборот хуружида хакерлар ва кибержиноятчилар фаол иштирок этмоқда. Кибер Интернет тармоқлари, жумладан, “UzNet”да Ўзбекистон ахборот хавфсизлигини бузишга ҳаракат қилувчи маълумотлар, муносабатлар жойлаштирилган. Улардан 15,0%ни хакерлар томонидан қилинган ноқонуний

ҳаракатлар ташкил қилган. Шунингдек, глобал тармоқда аҳоли онгини бузиш, унга таъсир ўтказишга бўлган турли уринишлар 16,3%ни, миш-мишлар тарқатиш 14,8 %ни, ижтимоий ислохотлар жараёни танқиди 10,5%ни, диний экстремистик руҳдаги ташвиқот 8%ни ташкил қилган.

Интернет фойдаланувчилари орасида 2023 йилда ўтказилган социологик сўров натижаларига кўра, талабалар миллий сайтлардан фойдаланиши жадаллашгани кузатилди. Респондентларнинг 10%и рақамли жамият мазмуни, унинг мақсади, ривожланиш жараёни ҳақида маълумот олганини, 20%и тадбиркорлик ҳақида маълумотларга эга бўлганини, 15%и бадиий адабиёт ўқишда манба ролини бажаришини қайд этишган. Сўралганлардан 15%и курсдошлар билан алоқа қилиши, ахборот алмашувда фойдаланиши, 40%и мутахассислиги ҳақида ахборот базасидан фойдаланишини билдирган.

### **МЕТОДОЛОГИЯ**

Бу борада тадқиқотчилар томонидан ўтказилган социологик тадқиқотларда иштирок этган респондентларнинг 80 фоизи ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлардан фаол фойдаланадилар, бунинг асосий сабаблари дўстлар ва бошқалар билан мулоқот қилиш истаги, шунингдек, турли мавзуларда фикр билдириш имконияти билан боғлиқлигини таъкидлашди [1, – Б.41].

Демак, Интернетдаги ижтимоий тармоқлар контент таҳлили натижасига кўра, мамлакатимизда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган демократик ислохотлар натижаларини танқид қилиш ҳолати ҳам мавжуд. Бундан ташқари Интернет тармоғида ёшларни таркидунё ва ўз жонига қасд қилишга ундовчи сайтлар ҳам мавжуд.

Эмпирик социологик тадқиқот натижасида Интернет тармоғида мамлакатимиз ахборот хавфсизлигига салбий таъсир қиладиган 2 та йўналишдаги хавф мавжудлиги аниқланди. Булар:

биринчиси, глобал Интернет сайтларида тарқатилаётган Ўзбекистонга нисбатан ёлғон ва тажовузкор мазмундаги ахборот мажмуи;

иккинчиси, ҳозирги кунда кибержиноятчилик ҳолатлари мавжуд, яъни компьютердаги конфеденциал характердаги ахборотга оид шахслараро алоқа хатлари, шахсий хусусиятга эга бўлган маълумотлар базасини Интернет тармоғи орқали жамоатчиликка берухсат маълум қилиш ҳолатлари.

Шунингдек, Интернет тармоғи тизимида ахборот хавфсизлигини таъминлашда миллий сегментлар фаолиятини ривожлантириш мақсадида таъкидлаш лозимки, соҳадаги гносеологик бўшлиқни бартараф қилиш учун ушбу йўналишда мунтазам тадқиқотлар олиб бориш зарур. Бу йўналишдаги илмий тадқиқотларнинг мураккаблиги кибер интернет тармоғида жойлашган ахборотлар ҳажмининг кенг масштабдалиги, социотехник жиҳатдан қийинлиги, бевосита эмпирик социологик кузатувлар давомида автоматик таҳлил натижалари, компьютерлар орқали контент таҳлил олиб боришнинг мураккаблиги билан боғлиқ.

### **АСОСИЙ ҚИСМ**

Бундан ташқари, глобал тармоқдаги ахборотлар кўлами, информацион жараёнларнинг жадаллиги, одатдаги контент таҳлил, тадқиқот усуллари орқали олинadиган натижалар бугунги давр талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Мамлакатимиздаги ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун Интернет тармоғида миллий сайтлар сегменти ўрнини ошириш, унинг мазмунини демократик ислохотлар талаблари даражасидаги ахборот мажмуи билан таъминлаш мақсадга мувофиқ. Мазкур соҳада кузатувлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

биринчидан, Интернет тармоғидаги ахборотнинг бир қисми ташқи хавфни вужудга келтирди. Унинг асосий сабаби Ўзбекистонга хориждан туриб ахборот хуружи ташкил этилиб, ушбу жараёнда халқаро кибер гуруҳлар ва хорижий ташкилотлар вакиллари биргаликда фаолият олиб бормоқда. Бунда ахборот мазмунини атайлаб бузиб талқин қилиш, ислохотларнинг ижобий натижалари, бошқарув тизимидаги камчиликларни бўрттириб кўрсатиш, унга нисбатан аҳолида ишончсизлик вужудга келтиришга уриниш, ёшлар онгига салбий таъсир ўтказишга ҳаракат қилинмоқда;

иккинчидан, Интернет тармоғида журналистлик касбига эга бўлмаган коммуникаторлар томонидан блоглар, интернет форум, ижтимоий тармоқлар имкониятидан фойдаланиб, ахборот майдонида иштирок этиш кучайиб бормоқда.

Дарҳақиқат, ахборот маконида ахборотлашув жараёни мазмунига нисбатан бўлган ташқи хавфни ташкил қилувчи омиллар ўз фаолиятини индивидуал ҳолда ёки муайян ижтимоий гуруҳлар таркибида ташкил қилиши мумкин. Мутахассислар фикрича, Интернет аудиторияга тажовузкорона таъсир қилишнинг қуйидаги усуллари мавжудлигини қайд этишган. Булар:

биринчиси, давлатда конституциявий тизимга қарши ахборот хавфлари, жумладан, террористик мазмундаги, радикал диний ғоялар ва вайронкор мафкураларни жамиятда, аҳоли, айниқса, ёшлар орасида тарқатилиши;

иккинчиси, шахс онгини манипуляция қилиш, унинг хулқига нисбатан дастурлаштириш технологияларидан фойдаланиб, ўз ғаразли мақсад ва фикрларини амалга ошириш учун бўлган тажовузкорона ҳаракатлар;

учинчиси, турли ёт ғоя ва мафкураларни Интернет фойдаланувчилари орасида тарқатиш, муайян ижтимоий жараёнлар ва ижобий ютуқларга салбий таъсир қилувчи асосланмаган далиллар, ёлғон маълумотларни жойлаштириш;

тўртинчиси, Интернет тармоғида мамлакатда хакерлар ва кибержиноятчилар ғояларини кенг тарқатишга уриниш, ноқонуний ҳаракатларини бирга олиб боришга чорлаш, тажовузкорона мақсадни ижтимоий ҳаётда амалга ошириш учун ҳамкорликда уринишлар;

бешинчиси, жамиятда аҳоли орасида миш-мишлар, ваҳималар кўтариш орқали сунъий равишда мамлакатдаги барқарор вазиятни издан чиқаришга мўлжалланган, тасдиқланмаган воқеликлар, хабарларни тарқатишга бўлган уринишлар каби салбий ҳолатлар кузатилмоқда.

Бундан ташқари жамиятимизда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг самарали воситаларидан бири ҳисобланган миллий сегмент сайтларининг қизиқарлилигини таъминлаш, коронавирус пандемияси каби ғавқулда ҳолатлар даврида инсон манфаатларини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Платформалаштириш – бу рақамли платформаларнинг жамият ҳаётининг турли соҳаларига кириб бориши натижасида мавжуд ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маданий амалиётлар, миллий қадриятларни мустаҳкамлаш усуллари, жамоатчилик назорати ва бошқаруви механизмлари чуқур ўзгаришларга учрайди. Платформациянинг таъсир кўлами бўйича саноатлаштириш ёки электрлаштириш билан таққосланади. “Платформа” атамаси 2000-йилларнинг бошида технология саноати ва бизнес тадқиқотларида фаол қўлланилиб, натижада ушбу тадқиқот истиқболлари бир-бирини самарали равишда тўлдиради [2, – Б.226].

Платформа – одамлар, маълумот ва товарларни боғлайдиган рақамли воситачи сифатида тушунилади. Бу борада тадқиқотчилар А.Касилли ва Ж.Посада платформани оддий фойдаланувчилар, ташкилот, компания ва давлат идоралари хизматлар ва кўплаб жамоалар яратадиган дастурий ёки аппарат инфратузилмаси сифатида белгилайди [3, – Б.306]. Шу боис, коммуникатив ва бошқарув мантиғида платформа механизми устунлик қилади. Масалага шу нуктаи назар билан ёндошсак платформалар Интернет тармоғининг асосий тижорат мантиғи ҳисобланади [4, – Б.304]. Хорижлик олим М.Стеинберг платформаларни контент билан чамбарчас боғлиқ ҳолда белгилашни таклиф қилиб, платформа айнан маданий маҳсулотларни таркиб сифатида яратиш, уни сотиш учун технологик ва бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитларини яратади. Шу боис, бугунги кунда “Yandex”, “Facebook”, “Twitter”, “Instagram”, “Telegram” каби платформалар “ўзини ифода этиш, мулоқот, ҳамкорлик ва бизнес учун платформалар” [5, – Б.215] сифатида хизмат қилмоқда. Шу сабаб, ҳозирда рақамли маконнинг энг нуфузли иштирокчиларидан бири платформалардир.

Мамлакатимизда “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида Ўзбекистонда илк бор катта ҳажмдаги маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш маркази барпо этилди. Ушбу марказнинг Тошкент вилояти Зангиота туманида барпо этилиши барча соҳаларни рақамлаштириш, ахборот тизими, хизматларни электронлаштиришга ёрдам беради. Бундай имкониятнинг яратилиши Ўзбекистоннинг масофавий хизматлар бўйича минтақада етакчига

айланиб бораётганлигидан далолатдир. Ўз навбатида бундай фаолият халқаро талабларга мос ҳолда “Датамарказ” ташкил қилиш заруриятга айланди. Бунда ахборот тарқатиш ва информатсион технологиялар марказида Хитойдан келтирилган, яъни “Huawei” компанияси билан ҳамкорликда 20 петабайт хотирага эга тизим ташкил этилди. 580 сервер, умумий электр қуввати 5 мегаваттли дизель генераторлар тизими узлуксиз ишлашни таъминлайди. Бундай фаолият натижасида маълумотлар маркази халқаро “Uptime” институти томонидан бериладиган “TIER III” сертификатига эга бўлди. Тадқиқотчи Т.Гиллеспининг фикрича, платформанинг асосий функцияларидан бири – контент модерациясининг барча хусусиятларини батафсил тавсифлаб, рақамли жамиятда модерация фактининг ўзи ижтимоий медиа платформалари восита ва институтларда, содир бўлаётган трансформацияларни маданий ҳодиса сифатида кўриб чиқишга имкон беради. Зеро, контент модерацияси платформанинг асосий хусусияти ҳисобланиб, улар модерациялашни, яъни (маълумотни ўчириш, филтрлаш ёки блокировка қилишни) ўз ичига олса, тавсия қилиш, яъни янгиликлар тасмаси, мавзулар рўйхати, мослаштирилган таклифлар орқали намоён бўлади ва контентни мониторинг қилиш, яъни мавзули таркибни таклиф қилиш, матнли боғлиқлик, энг муҳимига биринчилардан бўлиб устуворлик бериш орқали амалга оширилади. Т.Гиллеси ушбу ҳолатни модерация платформаларига фойда келтирадиган “маҳсулот” [6, – Б.288] деб ҳисоблайди.

Бошқа тадқиқотчи эса платформаларни “икки ёки ундан ортиқ гуруҳларга ўзаро таъсир ўтказиш имконини берувчи рақамли инфратузилмалар” деб ҳисоблайди. Улар турли хил фойдаланувчиларни боғлайдиган ўзаро воситачилардир: харидорлар, реклама берувчилар, хизмат кўрсатувчи ва маҳсулот провайдерлари, ишлаб чиқарувчилар, ҳатто, жисмоний объектлар. Аксарият платформалар абонентга ўз маҳсулотлари, хизматлари ва бозорларини яратишга имкон бериб, уларга турли бизнес воситаларининг арсеналини таклиф қилади. Платформалар маълумотларни олишда улар (табiiй ва ишлаб чиқариш жараёнлари, одамларнинг ўзаро таъсири ва бошқалар) устидан назорат қилиш бўйича асосий бизнес моделларига айланмоқда. Н.Срничекнинг хулосасига кўра, Ушбу платформаларга нисбатан улар ўзига хос “кон асбоблари”дир [7, – Б.28]. Рақамли жамиятда платформаларнинг институционал механизмлари иштирокчилар учун очик инфратузилмани яратиб, ўзининг ишлаш қоидаларини белгилайди.

Платформанинг асосий вазифаси – фойдаланувчилар ўртасидаги алоқаларни таъминлаш, ўзаро товарлар ёки ижтимоий валюта алмашинувини осонлаштириш ва барча иштирокчилар томонидан қиймат яратишга ҳисса кўшишдан иборат [8, – Б.304]. Ўзаро манфаатли ҳамкорликни таъминлаш. Ван Дейк ва унинг ҳамкасблари томонидан платформаларнинг таърифига қўшилган ҳолда, унга кўра, платформалар фойдаланувчи ва етказиб берувчилар ўртасидаги ўзаро шахсий алоқаларни таъминлаб, шакллантириладиган ва қайта дастурлаштириладиган рақамли инфратузилмалар сифатида қаралади. Бундай ўзаро таъсирлар маълумотларни йиғиш, алгоритмик қайта ишлаш, монетизация ва тизимли айланиш орқали ташкил этилади [9, – Б.13]. “Платформа жамияти” концепцияси муаллифлари, уларни фақат янги иқтисодий ҳодиса ёки фақат технологик инфратузилманинг бир қисми сифатида кўриб чиқиш нотўғри эканлигини қайд этишган. Платформа – фойдаланувчилар ўртасида ўзаро алоқани ташкил этиш учун мўлжалланган дастурлаштириладиган архитектура [10, – Б.226].

Платформация муайян гуруҳ, институтларнинг фаолияти, иқтисодий операциялар, ижтимоий ва маданий амалиётларни амалга оширишни белгилайди. “Платформа жамияти” атамаси рақамли платформалар ва мавжуд ижтимоий тузилмалар ўртасидаги узвий боғлиқликни ўз ичига олади. Айнан платформалар замонавий ижтимоий тузилмаларни яратади, дея хулоса қилади муаллифлар [11, – Б.13]. Шу муносабат билан рақамли платформанинг ўзига хос хусусиятлари, унинг асосий компонентларини тавсифлаш орқали кўриб чиқилади. Платформанинг иши алгоритмлар ва дастурий интерфейслар мажмуаси ёрдамида ташкил этилиб, автоматлаштирилган. Платформа ишлашининг манбаи – маълумотлар оқими ҳисобланади. Унинг ишлаши маълум бир бизнес модели доирасидаги

мулкчилик муносабатлари билан расмийлаштирилиб, платформани тартибга солиш фойдаланувчи шартномаси орқали амалга оширилади.

“Платформа жамияти” тушунчаси платформаларнинг замонавий жамиятдаги ролини очиб беришга хизмат қилади. Уларнинг тарқалиш кўлами жамият ҳаётини ташкил этишга таъсир кўрсатади. Бунда маълумотларни йиғиш, улардан самарали фойдаланиш ва платформаларда ахборотни танлаш жараёнларида жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги шахсий ва жамоат манфаатлари тўқнашуви мавжудлиги ойдинлашади. Хорижлик мутахассислар ҳозирда дунёда 2 та энг йирик платформа экотизимлари – Хитой ва Америка платформалари мавжудлигини эътироф этишган. Хитойда ушбу экотизимнинг ядроси — “Tencent”, “Alibaba”, “Baidu”, “JD.com” ва “DiDini” ўз ичига олган “Катта бешлик”дир. “Alihabet”, “Microsoft” “Facebook”, “Apple”, “Amazon” – Шимолий Америка ва Европадаги рақамли маконда ҳукмронлик қилувчи экотизим ядроси ҳисобланади. Ҳозирда “Яндекс”, “Mail” каби маҳаллий инфратузилма платформалари ҳам жамиятдаги ахборот алмашинувида жиддий иштирокчилар ҳисобланади. Натижада давлат тузилмалари, жамоат ташкилотлари ва бизнес компаниялари ушбу экотизимнинг ўзагига боғлиқ. Ушбу ядро билан боғланмаган платформалар эса қимматли ахборот ресурслари ва фойдаланувчи маълумотларига кириш ҳуқуқига эга. Аслида, бундай ҳолат рақамли тафовутнинг яна бир жиҳатига мисол бўла олади. Бу платформалар экотизимига табақалаштирилган кириш натижасида унда фаолият юритувчилар глобал макондаги мавжуд экотизим доирасида хулоса қилишади холос.

Бошқача айтганда платформа тизимларида ҳақиқий эркин жамоат майдони йўқ. Платформалар барча мавжуд ижтимоий механизмларни қамраб олиб, давлат ва турли ижтимоий институтлар (масалан, таълим ёки соғлиқни сақлаш муассасалари) ўз платформаларини энг йирик хусусий платформалар асосида яратишади. Хорижлик мутахассислар платформа экотизимини тавсифловчи 5 та парадоксга эътибор қаратишган:

1. Экотизимнинг тузилиши тенглик каби кўринади, бироқ, айти пайтда у маълум бир иерархияга мувофиқ қурилган.
2. Экотизим бир қатор шахслар ва компанияларнинг мулки ҳисоблансада, аммо, айти пайтда у жамоат кадриятларига содиқлигини эълон қилади.
3. Экотизим тўлиқ бетарафлик таассуротини беради, лекин унинг архитектураси муайян бир ғоя ва мафкуравий кадриятларни ўз ичига олади.
4. Экотизимнинг таъсири маҳаллий бўлиб кўринсада, бироқ, унинг кўлами ва таъсир доираси глобал ҳисобланади.

5. Инсон томонидан юқоридан пастга бошқарув ўрнига экотизим “мижозларнинг имкониятларини кенгайтириш” орқали пастдан юқорига бошқарувдир. Бу экотизимнинг юқори даражада марказлашган ташкилий тузилмаси фойдаланувчилар учун ноаниқ бўлиб қолмоқда. Платформа жамияти концепцияси муаллифлари платформа экотизимининг асосий қисми бўлмаган компаниялар қанчалик заиф эканлигини кўрсатишган. Чунки, ҳар қандай платформа у ёки бу тарздаги экотизимнинг инфратузилма ахборот хизматларига боғлиқ.

Масалан, “Airbeb” сайёҳлик турар-жой хизмати платформаси “Google”ни “жойлаштиради”. Хариталар унинг интерфейсида стандарт функция сифатида ҳамда, “Facebook” идентификация хизматларини ҳам ўз ичига олади. Бунда “Google” уй эгаларини ва потенциал меҳмонларни текшириш учун хизмат қилади. Шу боис, “Катта бешлик” саноат платформалари портлаши ва платформалар экотизимининг асосий хизматлари билан бирлаштирилган кўплаб веб-сайтлар ва иловалардан фойда кўради. Натижада, фойдаланувчи маълумотларининг мисли кўрилмаган миқдори бутун тармоқ бўйлаб экотизим ва иловалар экотизими куршовида бўлади. Демак, “Катта бешлик” деярли барча бизнес соҳаларида ўз иштирокини тез суръатлар билан кенгайтириб, даромад кўришни давом эттирмоқда.

Рақамли платформа инфратузилмасининг ўзагини тавсифлашда жисмоний инфратузилма – темир йўллар, автомобиль йўллари, денгиз йўллари, ҳаво ҳаракатларини бошқариш тизимлари ёки Интернетнинг ўзида яратиш билан такомиллашиб бораверади. Бироқ, асосий фарқ шундаки, бундай инфратузилма давлат ва хусусий инвестициялар ҳисобига яратилган. Шу нуқтаи назардан, ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқий жиҳатдан давлат

ташкilotлари, жамоат ва нодавлат ташкilotлари экотизимнинг ўзаги билан боғланмай, амалда автоном ҳолда тўлиқ фаолиятнорита олмайди. Оммавий ва нотижорат платформалар “Facebook”га таянса, “Google” қимматли ахборот ресурслари ва фойдаланувчи маълумотларига кириш учун хизмат қилади. Гарчи бундай ҳолат тизимга кириш ва қидирув рейтингни кўриниши учун муҳим ҳисобланса-да, бироқ, яхлит олганда ҳозирги вақтда мавжуд платформа экотизимида ҳақиқий жамоат майдони мавжуд эмас.

Бундай платформалар нафақат ижтимоий ва иқтисодий субъектларни боғлайди, балки уларнинг бир-бири билан қандай боғлиқлигини ҳам белгилайди. Ушбу жараён мавжуд платформалар орқали кадриятлар ва ижтимоий, иқтисодий ривожланишнинг янги тизимларини яратади. Демак, бу каби платформа капитализми шахсни эксплуатация қилишнинг энг “мураккаб”, айни пайтда энг “ялпи” шакллари ўз ичига олади. Чунки у илгари микдорни аниқлаш, натижада монетизация қилиш мумкин бўлмаган ижтимоий ҳаёт соҳаларини тижоратлаштиришга имкон беради [12, – Б.212]. Х. ван Дейк ва унинг ҳамкасблари хулосасига кўра, платформа фаолияти кимнинг манфаатларига хизмат қилади, қандай кадриятлар хавф остида ва ундан ким фойда кўради, деган саволлар платформа жамиятида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мунозараларда асосий ўринни эгаллайди.

Дарҳақиқат, рақамли платформалар такомиллашуви деярли бутунлай ноаниқ бўлган “қора нуқта” жамиятига айланиб бормоқда. Чунки, ижтимоий ва иқтисодий жараёнлар алгоритмлар, бизнес моделлар ва жамоатчилик назорати учун очиқ бўлмаган маълумотлар оқимларида яширинган бўлади. Ижтимоий медиа платформалари нейтрал “асбоблар” эмас, балки улар бир маълумотни кўринадиган қилиб, бошқасини яширишади. Алгоритмик филтрлаш механизмлари иқтисодиётнинг барча тармоқлари, яъни ҳаётнинг деярли барча соҳаларида ижтимоий фаолликни шакллантиради. Буларнинг барчаси хавфсизлик, махфийлик, ошкоралик ва ҳақиқатни англаш масалалари билан боғлиқ янги тарздаги фундаментал жамоат кадриятлари ҳисобланади. Айрим мутахассисларнинг хулосасига кўра, “Рақамли платформаларни тўлиқ назорат қилиш ҳақидаги мавжуд тахминлар ижтимоий ёки сунъий интеллектнинг инсон хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотларни шарҳлаш учун мавжуд “чегараси”ни рақамлаштириш унинг пойдеворидан имконсизлиги билан бузилади” [13, – Б.29]. Демак, янги платформалар жамиятининг шаклланишига эҳтиёткорлик ва оптимизм билан қараш имконини беради.

### ХУЛОСА

Рақамли жамиятнинг шаклланиши, унинг ривожланишини ўрганишда унинг назарий методологик асос муҳим ўрин эгаллайди. Бунда тараққиётнинг жадаллашуви жамиятдаги муҳим бевосита ёшларнинг муттасил суръатда ахборот босимида учраётганлигида намоён бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан, ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоси бевосита ёшларнинг Интернет тармоғидан фойдаланиш маданиятини шакллантириш орқали уларнинг миллий сайтлар даражасини ошириш, ижтимоий имкониятларини кенгайтириш натижасида демократик ислохотлар фаоллигини оширади. Бундай мураккаб жараёнда рақамли жамиятнинг назарий асослари, методологик жиҳатларини англаш зарурияти вужудга келади.

Мамлакатимиз янги тараққиёт босқичи шароитида аҳолининг ахборот технологиялари, уни тарқатиш механизмлар орқали жамиятнинг ўзига хос хусусиятлари, миллий тараққиёт босқичи мазмуни ва умуминсоний кадриятларнинг сингдирилиши миллий веб-сайтлардан самарали фойдаланишга олиб келади. Рақамли жамият технологик инфратузилмасининг 4 та элементи – алоқа тармоқлари, илмий асосланган маълумотлар технологиялари, алгоритмлар ва платформалар рақамлаштиришнинг моҳиятини ташкил этувчи жараёнлар асосини ташкил қилади. Ушбу жараёнларнинг ҳар бири тармоқлаштириш, маълумотларни аниқлаш, алгоритмлаштириш ва платформалаштириш тобора рақамли бўлиб, жамиятни сифат жиҳатидан ўзгартирадиган жиддий ижтимоий оқибатларга олиб келади.

Жамиятни тармоқлаштириш жараёнлари умумий кузатув ва назорат амалиётларининг тарқалишига олиб келиб, унда хусусий мулк эгалари ва давлат ташкilotларининг одатий чегаралари қолмайди. Шу боис, инсоният бир вақтнинг ўзида ақл бовар қилмайдиган ҳажмдаги маълумотларни яратиб, ундан вақт ва масофадан қатъи назар фойдаланиш

имкониятига ва уланиш учун янги технологик воситаларга эга. Натижада датификация жараёнлари, метрик жамият ва маданиятнинг тарқалишини рағбатлантиради. Шунинг учун, янги қиймат тартибларини шакллантириш, умумий миқдорлаштириш тенденцияси кучайиши ижтимоий тенгсизликнинг янги механизмлари тарқалишига олиб келади.

Рақамли жамиятда алгоритмик тизимлар автоматлаштирилиб, оптималлашади ва фаолият самарадорлигини оширади. Бироқ, алгоритмлар ишининг ижтимоий оқибатлари, унинг ноаниқлиги, олдиндан прогноз қилиб бўлмаслиги ва таъсирнинг доимо ижобий бўлмаганлиги сабабли натижа кўзлангандек бўлавермайди.

Платформалар рақамли жамиятнинг муҳим элементига айланмоқда. Уларнинг мавжудлиги, фаолияти илмий асосланган маълумотлар ва алгоритмлаштириш жараёнлари билан белгиланади. Натижада кадриятларнинг янги тартиблари, назорат ва бошқарувнинг янги ижтимоий механизмлари шаклланиб, жамият, бизнес ва давлат манфаатларини ҳисобга олиш имкониятига кенгайди. Янги тараққиёт босқичида рақамлаштириш мунтазам равишда тарқалиши аниқ.

#### Adabiyotlar/ Литература/ References:

1. Ташмухамедова Д., “Ўзбекистон ёшлари ва виртуал олам: тадқиқот натижалари асосида” Монография. – Тошкент: “Complex print” нашриёти, 2024. – Б. 41.
2. Dijck J. van, Poell T., Waal M. de. The Platform Society: Public Values in a Connective World. -Oxford: Oxford University Press, 2018. – P. 226.
3. Casilli A.A., Posada J. The Platformisation of Labor and Society // Society and the Internet. How Networks of Information and Communication are Changing Our Lives. Oxford University Press, 2019. – P. 306.
4. Steinberg M. The Platform Economy. How Japan Transformed the Consumer Internet. Minneapolis. – London: University of Minnesota Press, 2019. – P.304.
5. Gillespie T. The Platform Metaphor, Revisited - Culture Digitally. - Oxford: Oxford University Press, 2018. – P. 215.
6. Gillespie T., Custodians of the Internet. New Haven & London: Yale University Press, 2018. – P. 288.
7. Срничек Н., Капитализм платформ. – М.: «Изд. Дом» ВШЭ, 2020. – С. 28.
8. Паркер Д., ван Альстин М., Чаудари С. Революция платформ. Как сетевые рынки меняют экономику – и как заставить их работать на вас. – М.: Мысль, 2017. – С.304.
9. Poell T., Nieborg D., Dijck J. van. Platformisation // Internet Policy Review. 2019. Vol.8. No.4. – P. 13.
10. Dijck J. van, Poell T., Waal M. de. The Platform Society: Public Values in a Connective World. – Oxford: Oxford University Press, 2018. – P. 226.
11. Poell T., Nieborg D., Dijck J. van. Platformisation // Internet Policy Review. 2019. Vol.8. No.4. – P. 13.
12. Мартыненко Т.С. Robert Hassan: The Condition of Digitality: A Post-modern Marxism for the Practice of Digital Life. - London: University of Westminster Press, 2020. – P. 212.
13. Маркеева А.В., Гавриленко О.В. Цифровая платформа как новый экономический актор и новая инстанция социального контроля // Вестник Московского университета. Сер.7: Философия. 2019. №5. – С. 29.

# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000